



ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИ

Камилов Шухрат Эркинович

Тошкент давлат Шарқшунослик университети Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати

1-курс магистранти shuhrat4444@mail.ru

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-19>

ARTICLE INFO

Received: 03th February 2023

Accepted: 15th February 2023

Online: 16th February 2023

KEY WORDS

Марказий Осиё, Ҳаракатлар стратегияси, тараққиёт стратегияси, маслаҳат учрашувлари, минтақавий сиёсати, икки ва кўп томонлама ҳамкорлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Президент Ш.М.Мирзиёев маъмурияти даврида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устивор йўналишлари, унда Марказий Осиё давлатларининг ўрни очиб берилган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бўйича сиёсатнинг замонавий тенденциялари, устувор йўналишлари ва асосий таклиф ва ташаббуслари таҳлил этилган. Шунингдек, икки ва кўп томонлама савдо-иқтисодий алоқалари кўрсаткичлари ҳам келтириб ўтилган.

Кириш

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё вектори доимо устувор йўналиш ҳисобланган. Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ҳукумати томонидан минтақавий интеграциянинг асосий сифатида қўрилган. Ўзбекистон биринчи президенти И.А.Каримов даврида бу борада маълум даражада ютуқларга ҳам эришилиб, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти ҳам тузилган эди. Бироқ кейинги йилларда чегара муаммолари, миллий-этник муносабатлар ва асосийси ташқи кучлар таъсирида Марказий Осиё давлатлари ўртасида муносабатларнинг таранглашуви ҳолатлари ҳам кўзга ташланди. Хусусан, бугунги кунда Қирғизистон ва Тожикистон чегара муносабатлари буни бир кўриниши ҳисобланади.

Асосий қисм

Ўзбекистонда 2016 йилда ҳокимият тизимида ўзгаришлар юз берди ҳамда мамлакат раҳбари сифатида М.М.Мирзиёев рационал-ошкора тартибда сайловларда ғалаба қозониб, фаолият юрита бошлади. Ўзининг президент сифатидаги дастлабки кунларидан бошлаб, “яхши қўшничилик” принципи асосида Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Ўзбекистон Президенти мамлакат ташқи сиёсати бўйича қуйидаги фикрларни билдирган: “Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим устувор йўналиши дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик шерикчилик ҳамда ҳамкорликнинг мувозанатланган тизimini шакллантиришдан иборат. Бизнинг бундай ёндашувимиз иқтисодиётни модернизациялаш, барқарорлик ва хавфсизликни



таъминлаш, Марказий Осиёда ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитларни яратиш вазибаларининг самарали ҳал қилинишини таъминлашга қаратилган”¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётини белгилаб берадиган иккита йирик тизимли ва комплекс стратегиялар қабул қилинди.

Биринчиси, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони. Мазкур стратегиянинг бешинчи устивор йўналиши ташқи сиёсат масаласига бағишланган бўлиб, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат ютириш белгилаб олинган².

Иккинчиси, 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Президентининг ПФ-60-сонли Фармони³. Мазкур ҳужжатни контент таҳлил қилганда, Ўзбекистон тараққиётининг 7-йўналиши 94-мақсади сифатида айнан Марказий Осиё билан боғлиқ масалалар киритилган. Хусусан, Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун қуйидаги **вазифалар**ни амалга ошириш белгилаб олинган:

- Марказий Осиё давлатлари билан олий даражадаги мулоқот ва икки томонлама ҳамкорликнинг барча форматдаги механизмлари асосида (ҳукуматлараро комиссиялар, сиёсий маслаҳатлашувлар, парламентлараро ҳамкорлик комиссияси ва бошқалар) йиғилишларни ташкил этиш.
- Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ҳар йили мунтазам ташкил қилишни таъминлаш ва уларда фаол иштирок этиш.
- Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ишларини бошлаш.
- Минтақавий ташкилотлар доирасида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини фаол илгари суриш.
- Ўзбекистон Республикасининг чегараолди назорат-ўтказиш пунктларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш орқали уларнинг ўтказувчанлигини ошириш.
- Марказий Осиёда экология, атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш.
- Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш.
- Туризм соҳасида янги воқелик ва эпидемиологик талабларни ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – Б.334.

² Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/ru/docs/3107036>

³ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/ru/docs/5841063>



- Марказий Осиё давлатларида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мухбирлик пунктларини очиш.

- Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи (ЕИ) институтлари билан савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларини ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик шакллари кўллаб-қувватлаш.

2017–2021 йиллар давомида Марказий Осиё давлатлари ўртасида олий ва юқори даражада расмий ташрифлар, улар доирасида имзоланаётган икки ва кўп томонлама шартномалар сони ва кўлами сезиларли равишда ортди. Жумладан, ўтган давр мабойнида Ўзбекистон кўшни Туркменистон, Қирғизистон (2017 йил) ва Тожикистон (2018 йил) билан стратегик шериклик ўрнатди, 2021 йилда эса Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида декларация имзоланди⁴. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2023 йил 26-27 январь кунлари Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик тўғрисидаги Декларацияни имзоланди⁵.

Шунингдек, Ўзбекистон президентининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари БМТ шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича *"Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик"* мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Мирзиёев Марказий Осиёни яқин келажакда барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришга хизмат қиладиган **олти тақлиф**ни илгари сурди⁶.

Биринчидан, бу савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳамда кооперацияни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш.

Иккинчидан, минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш.

Учинчидан, бу – Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш.

Тўртинчидан, бу – давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тезда ва узил-кесил якунига етказиш.

Бешинчидан, минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш муаммосини имкон қадар тезроқ тартибга солиш.

Олтинчидан, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш.

⁴ Ҳакимов Ф. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати: асосий устувор йўналишлар ва эришилган натижалар // Strategy of Uzbekistan. – №04. – 2021. – Б.97.

⁵ Ўзбекистон ва Қирғизистон стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолади // <https://www.gazeta.uz/uz/2023/01/27/documents-kg/> - 27 январь 2023

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти // <https://president.uz/uz/lists/view/1227> - 10.11.2017



Шу бирга Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган муҳим тақлифлардан бири бу бевосита **Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувининг** ташкил этилишидир. Бугунги кунга қадар тўрт марта учрашувлар ташкил этилди. Биринчи учрашув 2018 йил 15 мартда Остона шаҳрида ўтказилган бўлса, иккинчиси Тошкент ва учинчиси Ашхободда бўлиб ўтган. 2022 йил 21 июлда Қирғизистоннинг Чўлпонота курорт шаҳрида 4-маслаҳатлашув учрашувлари ўтказилди.

Натижада, Ўзбекистоннинг 2017-2021 йиллар давомида Марказий Осиё давлатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми икки баробардан зиёдга ўсиб, 2021 йил якунида минтақавий ташқи савдо айланмаси 6,3 миллиард долларни ташкил қилди⁷. Хусусан, Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотлари кўра, 2022 йил январь-октябрь ойларида Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 40,1 млрд долларни ташкил этди. Қозоғистон билан ташқи савдо айланмаси ҳажми 3721,2 млн (умумий улушнинг 9,3%), Қирғизистон Республикаси билан 989,9 млн (2,5%), Туркменистон билан 614,1 млн (1,5%)ни ташкил этди⁸. Тўғри бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар етарли даражада эмас, лекин йилдан йилга ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, бугунги Ўзбекистон маъмурияти очиқ ва прагматик ташқи сиёсати олиб бормоқда. Мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик ўзининг янги босқичига кўтарилди.

Биринчидан, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан чегра муаммосини мувафаққиятли ҳал эришга эришди. Охирги чегара масаласи Қирғизистон билан 2022 йилда ниҳоясига етказилди.

Иккинчидан, Ўзбекистон минтақавий сиёсатда барча давлатларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритмоқда. Натижада Тожикистон билан Роғун, Қирғизистон билан Қамбарота ГЭСлари масаласида умумий келишувга эришди.

Учинчидан, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги масалаларни ташқи кучлар аралашувисиз, икки ва кўп томонлама форматлар асосида ривожлантиришга интилоқда. Бундай платформа сифатида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувини келтириш мумкин.

Тўртинчидан, Ўзбекистон томонидан савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт-логистика масаласи минтақа давлатлари ҳамкорлигининг драйвери сифатида эътироф этилмоқда. Йилдан йилга минтақа давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар кўрсаткичи ортиб бормоқда.

References

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021.

⁷ Ҳакимов Ф. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати: асосий устувор йўналишлар ва эришилган натижалар // Strategy of Uzbekistan. – №04. – 2021. – Б.97.

⁸ Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси \$40 млрддан ошди // <https://www.gazeta.uz/uz/2022/11/23/commerce/> 23 ноябр 2022



2. Хакимов Ф. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати: асосий устувор йўналишлар ва эришилган натижалар // Strategy of Uzbekistan. – №04. – 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/ru/docs/5841063>.
4. Ўзбекистон ва Қирғизистон стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолади // <https://www.gazeta.uz/uz/2023/01/27/documents-kg/> - 27 январ 2023.